



унинг субъектлари (ўқитувчи ва талаба)нинг биргаликдаги фаолияти якунида режалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг олдиндан кафолатланишидир.

Таълим мақсадини белгилаш – бу таълим жараёнини технологиялаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, у таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва таълим жараёнини самарали ташкил этишда асосий ўрин тутади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таълим жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштириш асосида ўкув машғулотларини лойиҳалаштириш ҳамда ўкув жараёнини ташкил этиш сифат-самарадорликни кафолатлади.

## АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Маъмуроев Баҳодир Баҳшуллоевич  
педагогика фанлари доктори, профессор,  
Бухоро давлат университети

**Аннотация.** Мақолада акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашнинг педагогик шарт-шароитлари, ўналишлари ҳамда амалга ошириш босқичлари хусусида фикр юритилган. Акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга қаратилган педагогик фаолият ўзининг дидактик ҳамда психологик хусусиятларига эга бўлиб, мазкур хусусиятларни аниқлаш орқали ўқитувчи касбий фаолиятини сифатжихатдан тақомиллаштириш имконияти вужудга келади. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ўқитувчининг касбий вазифаларига кириб, бўлажак педагогларни бундай жараёнга тайёрлаш учун уларни назарий жиҳатдан қуроллантириш муҳимлиги таҳлилларимиз натижасида исботланган.

**Калим сўзлар:** лойиҳалаш, акмеологик ёндашув, ривожлантириш, баҳолаш, назорат қилиш, шароит, ўналиш.

## РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ АКМЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

Мамуров Баҳодир Баҳшуллоевич  
доктор педагогических наук, профессор,  
Бухарский Государственный университет

**Аннотация.** В статье рассматриваются педагогические условия, направления и этапы реализации проектирования образовательного процесса на основе акмеологического подхода. Педагогическая деятельность, направленная на построение образовательного процесса на основе акмеологического подхода, имеет свои дидактические и психологические особенности, выявление которых дает возможность качественно повысить профессиональную деятельность учителей. Наш анализ показал, что планирование образовательного процесса является частью профессиональных обязанностей учителя, и важность теоретической подготовки будущих учителей к такому процессу.

**Ключевые слова:** проектирование, акмеологический подход, разработка, оценка, контроль, условия, направление.



## DEVELOPMENT OF DESIGNING SKILLS FOR EDUCATIONAL PROCESS FOR FUTURE TEACHERS ON THE BASIS OF ACMENOLOGICAL APPROACH

Mamurov Bahodir Bakhshulloevich  
Doctor of Pedagogical sciences, professor,  
Bukhara State University

**Annotation.** The following article deals with the pedagogical conditions, directions and stages of implementation of the design of the educational process on the basis of the acmeological approach. Pedagogical activity aimed at designing the educational process on the basis of the acmeological approach has its own didactic and psychological features, and by identifying these features there is an opportunity to qualitatively improve the professional activity of teachers. Our analysis has shown that the design of the educational process is part of the professional duties of a teacher, and the importance of theoretically equipping future teachers to prepare them for such a process.

**Keywords:** design, acmeological approach, development, evaluation, control, conditions, direction.

**Кириш.** Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнини лойихалаш мавқеини шакллантириш йўлини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини касбий ривожлантиришга оид назарий ёндашувларга таяниши муҳимдир. Бундай ёндашувлар кўплаб мутахассисларнинг ишларида ўз ифодасини топган. М. Очилов, Ж. Ф. Йўлдошев, Р. Х. Джураев, О. Ҳайдарова, Б. Р. Джураеваларнинг ишлари бунга мисол бўла олади.

Бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини мустақил ривожлантириши унинг онгли, мақсадга йўналтирилган кенг кўламли фаолияти бўлиб, ўзининг касбий ҳамда ижодий сифатларини шакллантириш, мазкур соҳадаги салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган фаолиятидир. Бунинг учун бўлажак ўқитувчиларда ўзи ва ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиш кўникмаси шаклланган бўлиши лозим.

Таълим жараёнида ўқувчиларга мустақил ривожланиш имкониятини бериш орқали улар билан ўқитувчиларнинг ўзаро дўстона, ишchan мулоқоти вужудга келади. Бундай мулоқот жараёни ўз навбатида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақил ривожланишларини вужудга келтириш орқали амалга оширилади. Бу шуни кўрсатадики, бўлажак мутахassis ўзини шахсий-касбий такомиллаштириши асосида янги даражага кўтарилишга интилади. Бу эса унинг касбий ахлоқий такомиллашувини таъминлайди.

Бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган интилиши унда фаоллик, мустақиллик, мустақил билим олиш ва ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини вужудга келтиради. Бу жараён бевосита ўқувчилар билан мулоқот асосида педагогик амалиёт босқичида амалга оширилади.

Шубҳасиз, таълим-тарбия жараёни ўқувчиларнинг ўзларида ўз-ўзини билиш, баҳолаш, назорат қилиш ҳамда ихтиёрий такомиллашиш эҳтиёжини вужудга келтириш орқали таъминланади.

Шахсга йўналтирилган таълим–ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ривожланишини уйғун тарзда амалга оширадиган жараёндир. Мазкур жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўз фаолияти давомида ушбу ёндашувга амал қилиши лозим. Бу эса ўқитувчилардан шахсий куч-қувват ва билимларини сарф қилишни талаб этади. Бунинг натижасида ўқитувчи ўзининг касбий такомиллашуви ва ўқувчилари хақида ўйлай бошлайди. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини

касбий ривожлантириши мухим ҳисобланади. Бу эса унинг педагогик жараёнларни билиши, аниқ лойиҳалаштира олиши ва мақсадга мувофиқ тарзда ташкил эта олишига хизмат қиласди.

Тадқиқот методологияси. Педагогик амалиёт жараёнида ижодкор талабаларнинг мустақиллик даражаси кескин тарзда ошади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг ўз устларида ишлай олишлари алоҳида аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчи ўз-ўзини ривожлантириш мақсадида мустақил билим олишга киришар экан, биринчи навбатда ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши керак. Ҳар бир мутахассис касбий тайёргарлик жараёнида ўзининг қучли ва кучсиз томонларини аниқлай олиши лозим. Шунга кўра бўлажак ўқитувчилар учун қуидагилар мухим ҳисобланади:

- ўзининг шахсий сифатларини билиши ва баҳолай олиши;
- ўз хулқ-атворида нимани ўзгартериш зарурлигини аниқлаши;
- ўзига таъсир қилиш йўллари ва усусларини эгаллаши кабилар.

Бугунги вазиятда ўқитувчининг юксак педагогик даражасини нафақат ўз фанига оид билимларни чукур ўзлаштирганлиги, балки ўқувчиларни ижодкор шахс сифатида тарбиялай олиши ҳам ифодалайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувчиларнинг ўз ривожланиш траекторияларини шакллантириш, ўзларини ижодий ривожлантиришга қаратилган фаолиятини лойиҳалаштира олиш кўнималарини шакллантириш қуидаги йўналишларда амалга оширилиши керак:

- ўқувчиларнинг ўз дунёқарашлари ва фаолиятлари ҳақидаги билимларини чукурлаштириш;
- ўқувчиларнинг ўз эҳтиёжлари, майллари, одатлари, лаёқатларини тўғри баҳолай олишларига имконият яратиш;
- ўқувчиларнинг ўз касбий майилликлари, қизиқишлари ва лаёқатларини аниқлашга қўмаклашиш;
- ўқувчиларнинг ўз касбий танловларини аниқлашларига хизмат қиласдиган фикрий фаолиятларини кенгайтириш;
- ўқувчиларда ўз-ўзларини тарбиялаш, мустақил билим олиш, ривожланиш ҳамда такомиллашиш истагини уйғотиш;
- ҳар бир ўқувчини хулқ-атворидаги салбий ҳолатларни бартараф этишга қўмаклашиш мақсадида чукур ўрганиш;
- ўқувчиларнинг ўзларидаги муайян сифатларни аниқлашларига хизмат қиласдиган методлар ва усуслар билан таништириш кабилар.

Бунинг учун ўқитувчи ижодкор ва новатор бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзларини ижодий ривожлантиришларига эришиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бунда, биринчи навбатда, олий педагогик таълим муассасаларида қулай педагогик-психологик мұхитни вужудга келтириш лозим.

Дастлабки педагогик-психологик шарт-шароитлар сирасига:

- а) талабаларда ўз-ўзларини касбий такомиллаштириш эҳтиёжини вужудга келтириш;
- б) талабаларнинг мустақил ижодий ривожланишларини таъминлаш;
- в) Ўзбекистон мактаблари ва хорижий таълим тизимида мавжуд бўлган илфор педагогик тажрибаларни мунтазам ўрганиш ва таҳлил қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Педагогик ёндашувларга таянган ҳолда эҳтиёжни инсоннинг муайян ҳолати сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур ҳолат уларни ниманидир синаб кўришга ундейди. Эҳтиёжларни қондириш жараёни шахснинг мақсадга йўналтирилган фаолияти орқали амалга ошади. Эҳтиёж инсон фаоллигининг манбаи ҳисобланади. Унинг асосий мақсади – шахснинг истаклари ва мазкур истакларни қондириш ҳолатлари орасидаги мутаносибликни вужудга келтиришдан



иборат.

Педагогик фаолиятни амалга ошириш учун фақатгина эҳтиёжнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун бўлажак ўқитувчиларнинг имкониятларини қўзғатувчи қувватлар ҳам зарур. Ушбу қувватлар уларнинг ижодий жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириши ва аниқ фаолиятни амалга оширишига кўмаклашади. Шу билан бир қаторда бўлажак мутахассисларнинг касбий мойиллиги ҳам уларни фаолликка ундайди.

Иккинчи муҳим шарт – талабаларнинг мустақил ижодий ривожланишларини таъминлашдир. Бўлажак мутахассисларнинг фаолияти таркибида йўналтирувчи қувват сифатида унинг майллари намоён бўлади. Ҳар қандай фаолиятнинг самарали кечиши ва сифатли натижалар бериши, ёрқин, кучли, чукур касбий майллар мавжуд бўлганда гина фаол харакатланиш истагини туғдиради. Бўлажак мутахассис ўз қувватларини тўлиқ сафарбар қилган ҳолда қийинчиликларни самарали бартараф этиши, қулай бўлмаган шароитларда ўзи учун ривожланиш имкониятини яратиши, ўз мақсади сари қаъий интилиши мумкин. Буларнинг барчаси олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг ўкув-билув ҳамда касбий-педагогик фаолиятларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Агар бўлажак ўқитувчиларда билиш қизиқишилари етарлича ривожланган бўлса, мазкур жараён янада самарали кечади. Педагогик фаолиятга нисбатан ижодий муносабат, касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш эҳтиёжи, ўз ижодий қувватлари, таълим жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаларини ривожлантиришга интилиш, ўзини ўқитувчи сифатида нимоён қилиш имкониятини беради. Бу ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларни ижодий фаолиятга йўналтириш омили сифатида хизмат қиласи.

- бўлажак ўқитувчиларга касбий ривожланиш имконини берадиган қулай педагогик-психологик муҳитнинг мавжудлиги;
- ишchan ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш учун биргалиқда ишлайдиган ижодий гурухнинг шакллантирилганлиги;
- педагогик ҳамкорликнинг ривожлантирилиши;
- ижодий инновацион муҳитнинг вужудга келтирилганлиги;
- педагогик амалиёт жараёнида таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогик жамоа томонидан янги ғоялар ва педагогик лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши;
- инновацион фаолият ички ва ташқи босимлардан холилиги ва мустақиллигининг таъминланганлиги;
- бўлажак мутахассисларнинг иқтидорлари ва лаёқатларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда йўналтирилганлиги;
- бўлажак мутахассисларни касбий ижодкорликка мунтазам йўналтиришга қаратилган педагогик чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги ва татбиқ этилганлиги кабилар.

Олий таълим муассасасида бундай муҳитни вужудга келтириш талабаларни ижодий жиҳатдан ривожлантириш учун муҳим йўналтирувчи омил бўлиб хизмат қиласи. Шу билан бир қаторда, бўлажак ўқитувчилар шуни яхши билишлари керакки, ўкувчиларни ижодий фаолликка ундовчи муҳим омил шахсга йўналтирилган ўкув-билув муҳитини тўғри ташкил эта олиш ҳамда уларнинг иқтидорлари, қизиқишилари, лаёқатларини аниқ ҳисобга олган ҳолда мазкур жараёни лойиҳалаштириш билан боғлик.

Учинчи муҳим шарт – бўлажак мутахассисларни педагогик йўналтиришдан иборат бўлиб, таълим жараёни субъектлари орасида турлича йўналтирувчи воситаларни мақсадга мувофиқ тарзда қўллашни англатади. Бундай йўналтирувчи имкониятлар сирасига ўкув-билув жараёнида турли вазиятларни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишини киритиш мумкин.



Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, мазкур фаолиятнинг мақсади, усуллари, натижалари дастлаб унинг онгидалойиҳалаштирилади. Ушбу лойиҳалар мазкур фаолиятни йўналтиради, унга туртки беради ва мувофиқлаштиради. Кўйилган мақсаддага эришиш ва кафолатланган натижа олиш учун таълим олувчилар ички қониқиши ва муваффақиятдан қувониш ҳисини түядилар. Ўзининг истиқболини кўра олиш, муваффақиятдан қувониш ҳисини туйиш, бўлажак мутахассисларда ижобий кечинмалар уйғотиб уларнинг ички фаолликлари ва ижодий тараққиётларига туртки бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш – узлуксиз педагогик таълим олишга йўналтирилган жараён бўлиб, дидактик шарт-шароитларга бевосита боғлиқдир. Қулай дидактик шарт-шароитлар бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг навбатдаги тўртинчи шарти бўлиб, ўқув жараёнининг муҳим омили сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув билув фаолиятини кенгайтиришга хизмат қиласди. Мазкур дидактик шарт-шароитлар бўлажак мутахассисларни ижодкор шахс сифатида ривожлантиришга йўналтирилгандир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ижодий ривожланишларини ташкил этишга йўналтирилган ёндашувларнинг таҳлили дидактик шарт-шароитларни умумлаштириш имкониятини берди. Шу мақсадда мазкур дидактик шарт-шароитларни қўйидаги гурухларга ажратиш имконияти туғилди:

–ташкилий шарт-шароитлар, мазкур шарт-шароитлар ўқув жараёнини умумий тарзда ташкил этишни таъминлаб предметлараро интеграция принципига таянилган ҳолда амалга оширилади;

–мазмун билан боғлиқ шарт-шароитлар, бу умумий комплекс ўқув муаммоларини ажратишга йўналтирилган бўлиб, ҳар бир циклдаги ўқув фанлари орасида умумпредметларга хос гоялар, назариялар, қонун-қоидалар, тушунчалар, методлар, усуллар ўз ифодасини топади;

–фаолиятга асосланган шарт-шароитлар, фаол ўқитиш шакллари ва методларини ижодий қўллашга йўналтирилган бўлиб, муайян ўқув тарбиявий вазифаларни ечиш назарда тутилади, бундай ўқув жараёнига инновацион усуллар тизимли тарзда олиб кирилади;

–психологик шарт-шароитлар, мазкур шарт-шароитлар бўлажак ўқитувчиларда қатъийлашган таҳлилий фаолият усуллари, ижодий фаоллик қўрсатиш йўллари, ташаббускорлик, ўкувчиларга таълим беришнинг ноанъанавий усулларини қўллаш амалиётига оид кўнкимларга таянилган ҳолда амалга оширилади;

–бошқарувга оид шарт-шароитлар, мазкур шарт-шароитлар бошқарув тартибига хос талабларга амал қилишни тақозо этади, улар сирасига бошқарув қарорларини қабул қилиш, уларни муайян мақсадга йўналтириш, мойилликни вужудга келтириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ахборотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш кабиларни қамраб олади.

Навбатдаги бешинчи шарт-шароит – талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат. Улар ўзларининг ижодий фаолликлари ва билимдонликлари билан бошқалардан фарқланиб турадилар. Бундай хусусият талабалар интеллектининг муракқаб таркибини ифодалайди. Талабаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўзлари танлаган касбни эгаллашга йўналтирилган таълимий фаолиятни амалга оширишларидадир. Бундай фаолиятнинг етакчи белгилари сифатида касбий-ўқув ва илмий тадқиқотчилик фаолиятларини қўрсатиш мумкин. Касбий фаолият кўнкимларини эгаллаш етуклика эришишнинг дастлабки даври ҳисобланади. Бу давр бўлажак мутахассисларда шахсий-касбий сифатларнинг шаклланиши билан тавсифланади. Бундай сифатлар сирасига: мақсад сари интилиш, қатъийлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини билишга интилиш, ўзининг шахсий кучига бўлган ишончни мустаҳкамлаш ҳамда



ижодий лаёқатлилік кабиларни киритиш мүмкін. Муайян, бир-бирига зид бўлган ҳаётий вазиятларга дуч келгандан талабалар ўз ижодий қувватларини фаоллаштирадилар ва аник мақсадга йўналтирадилар.

Таълим жараёнининг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатга киришганда талабаларнинг фаолликлари яққол намоён бўлади. Бу фаоллик ўзаро диалог жараёнида аник кўзга ташланади. Бу олтинчи дидактик шарт-шароит ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларни диалогик ёндашув асосида касбий тайёрлаш субъект-субъект муносабатларининг ўзига хос кўриниши бўлиб, мазкур муносабатларни амалга оширишнинг қулай имконияти сифатида намоён бўлади. Таълим жараёни субъектлари орасидаги бундай ўзаро ҳамкорлик ҳар доим ўзаро ҳурмат, бир-бирларига ишонч, очиқлик, қизикувчанлик, бир-бирларини жалб этиш принципига таянган ҳолда амалга ошади.

Биргаликдаги ижодий фаолиятга асосланган ҳамкорлик биргаликда ижод қилиш муҳитини вужудга келтириб ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигининг юкори даражаси сифатида намоён бўлади. Бундай ўқув вазиятлари таълим олувчиларнинг ижобий сифатларни ўзлаштиришларига самарали таъсир кўрсатади ва мустақил ривожланишнинг индивидуал-ижодий йўлини танлашларига асос бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг амалий тайёргарликларини ташкил этишнинг асосий шарти уларнинг кўп томонлама йўналишга эга бўлишларини ташкил этишдан иборат. Бу жараёнда улар шахсга йўналтирилган педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш тажрибасини эгаллайдилар. Бундай фаолият сирасига а) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш ва уни методик жиҳатдан жиҳозлаш; б) таълим-тарбиявий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни ташкил этиш; в) тадқиқотчилик изланишларига оид ишларни амалга ошириш усусларини эгаллаш кабиларни киритиш мүмкін.

Педагогик амалиёт табиий педагогик шарт-шароитлар ёрдамида талабаларда методик характердаги таҳлилий фаолиятни шакллантириш имконини беради. Бўлажак ўқитувчи тафаккурининг предмети ўз педагогик фаолиятининг воситалари ва методларини таҳлил қилишдан иборат. Шу билан бир қаторда, улар амалий ечимларни ишлаб чиқиш ва уни амалда тадбиқ этишга оид қарорларни қабул қилиш ҳақида ҳам ўйлашлари керак.

Педагогик амалиётнинг ижодий характерга эгалиги шундаки, мазкур жараёнда бўлажак ўқитувчиларда тадқиқотчилик лаёқатлари ривожлантирилади. Шу асосда улар таълим-тарбия жараёнини ностандарт усуслар ёрдамида таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Бунда талабаларнинг ижодкор ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Улар мазкур жараёнда ижодий характерга эга бўлган турли топшириқларни бажарадилар. Ўқув жараёнини лойиҳалаш, инновацион усусларни қўллаш вазиятларини моделлаштириш, ўқувчиларни ижодий фаолликка ундаш жараёнларини лойиҳалаштириш, ўқувчиларнинг иқтидорларини аниқлашга доир топшириқлар тузиш, эвристик топшириқлар устида ишлаш кабилар шулар жумласидандир. Шунга кўра бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ижодий ривожланишларини ташкил этиш олий педагогик таълимнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

— бўлажак ўқитувчиларни ўқув-билув жараённи лойиҳалаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништириш;

— бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисмлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

— талабаларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ҳамда ўқитувчи



ҳамкорлигини йўлга қўйиш усуллари ҳақидаги билимларни сингдириш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

– бўлажак ўқитувчиларда ўқувчиларнинг ўқув-билув натижаларини бошқариш ва назорат қилишга оид билимиларни тақдим этиш;

– бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида асосий субъект сифатида фаолият кўрсатиш тажрибасини ҳосил қилиш кабилар.

Фаол бўлмаган репродуктив усуллар билан ишлаш кўникмасига эга бўлган талабаларнинг ўз-ўзларини намоён қилишларини таъминлашга қаратилган педагогик чора-тадбирлар доирасида уларнинг педагогик билимларини кенгайтириш, касбий тажрибаларини бойитиш мақсади устувор қилиб қўйилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг руҳий хусусиятларини марказлаштириш натижасида касбий кўникмаларнинг интеграллашган, тизимлаштирилган, ижодий характер касб этувчи намунаси вужудга келади. Бу эса бўлажак ўқитувчи касбий кўникмаларининг турли қирралари ва параметрларини аниқлашга хизмат қилади. Бўлажак ўқитувчиларда касбий билимларнинг ортиши уларнинг истиқболдаги фаолият йўналишлари, фикрлари ва шаклланиш мақсадларини ифодалайди. Бу жараёнда бўлажак ўқитувчилар олдида қўйидаги вазифалар қўйилади:

1. Бўлажак ўқитувчиларда ўқув мақсадларини аниқлаш кўникмаларини шакллантириш. Бу жараёнда уларда ўқувчининг ўзига хослиги ва имкониятларини хисобга олиш, ўқувчилар ҳаётининг истиқболга йўналтирилганлиги, умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларга асосланган ҳолдатилем-тарбия жараёнини ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш назарда тутилади.

2. Ўқув жараёни мазмунига инсонпарварлик тушунчаларини сингдирган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда ўқувчининг ҳаётий эҳтиёжлари асосида унинг ривожланишини моделлаштириш кўникмасини таркиб топтириш. Бунда бўлажак ўқитувчиларда аждодларимиз ва жаҳон халқларининг илгор тажрибалари, фан-техника ютуқларидан шахсга йўналтирилган таълим мазмунининг таркибий қисми сифатида фойдаланиш, ўқув жараёни таркибини шахсга йўналтирилган технологияларга асосланган ҳолда белгилаш кўникмасини шакллантириш талаб этилади.

3. Шахсга йўналтирилган ўқув жараёнини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтиришга олий педагогик таълим мазмунини йўналтириш. Бу ҳолат муайян педагогик вазиятларда намоён бўлиши керак. Жумладан, муаммоли, ижодий-жамоавий, лойиҳалаштириш вазиятлари, дастурлардан фойдаланиш, ўйин ва ўзаро мулоқот вазиятлари каби.

Ихтирочи, ижодкор, эркин фикрловчи талабалар шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришда қўйидагиларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир:

1. Шахсга йўналтирилган таълим мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ўқувчилар билан амалга ошириладиган ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш йўлларини аниқ билишлари ва лойиҳалаштира олишлари, шу асосда ўқувчиларни бир-бирларини ўзаро тушуниш, ҳаморлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тенглик руҳида тарбиялашга эришиш кўникмаларига эга бўлишлари.

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнига ўқувчини ривожлантиришга хизмат қиласидан компонентларни мустақил кирита олиш лаёқатига эга бўлишларига эришиш, бунда таълим мазмунига киритилган компонентлар ўқитувчи ҳамда ўқувчини биргаликда фикрлашга ундаши зарурлигини назарда тутишлари.



3. Бўлажак ўқитувчилар ўқувчининг ривожланиш даражаси ташхисларига таяниб босқичмабосқич машғулотлар, ижодий топшириқларни мураккаблаштирган ҳолда лойиҳалаштира олишлари, бундай лойиҳаларни тузишда ўқувчиларнинг ижодкорликлари, яратувчиликлари, мустақил фикрлаш лаёкатлари, ўқув ҳамда ижодкорлик майлларини ривожлантиришни ҳисобга олишлари лозим.

Бунинг учун дастлаб бўлажак ўқитувчилар педагогик фаолиятнинг янги тури бўлган шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга тайёр бўлишлари лозим. Бунда касбий-педагогик тайёргарликнинг қўйидаги босқичларини амалга ошириш керак:

1. Касбий жиҳатдан аҳамиятли бўлган фикрларни илгари суриш босқичи.
2. Касбий билимларни ўзлаштиришга асосланган босқич.
3. Касбий жиҳатдан технологик ривожланиш босқичи.

Касбий ривожанишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар учала босқичи бир бутун психологияк, дидактик тизимни ҳосил қилиб, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаларини эгаллашлари учун талабаларга катта имкониятлар беради. Биз қўйида бўлажак ўқитувчиларни педагогик жараённи лойиҳалаштиришга тайёрлашда мазкур босқичларнинг тутадиган ўрни ҳақида фикр юритамиз. Шу мақсадда ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, муайян мақсадга йўналганлиги, мазмуни, амалга ошиш шаклларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Шунга кўра биз республикамиздаги олий таълим муассасаларининг ўқитувчилик касбини эгаллайдиган 700 дан ортиқ талабалар билан, уларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга оид билимлари, тажрибалари, нуқтаи назарларини аниқлаш мақсадида сұхбатлар, савол-жавоблар ўтказдик. Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалашга нисбатан қизиқишлиари, мавжуд қийинчиликлар, уларни бартараф этиш имкониятлари ҳақида фикрларини баён қилдилар. Талабалар билан ўтказилган сұхбатлар, савол-жавобларда уларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид билимлари, дастлабки тажрибалари, нуқтаи назарлари, бу жараённи ташкил этишнинг педагогик жиҳатларидан қай даражада хабардорликлари, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жара-ёни ҳақидаги тасаввурларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ушбу сұхбатлар бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, унинг педагогик жиҳатлари ҳақидаги қарашларини билимлари ва тасаввурларини ойдинлаштириш имконини берди.

Олий педагогик таълим жараёнда ҳар бир талаба билан уларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этишга тайёрлаш учун қўйидаги босқичларда ишлаш мақсадга мувофик, деган фикрга келдик:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, уни ташкил этиш ҳақидаги қарашлари, тажрибалари, бу соҳада дуч келадиган қийинчиликларни аниқлаш ва баратараф этиш усууллари, методлари ва йўлларини уларга ўргатиш мақсадида сұхбатлар, семинарлар, қўшимча машғулотлар ўтказиш ва маслаҳатлар бериш.

2. Амалий машғулотларда талабалар билан ҳамкорлик қилиш, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, унинг моделларини яратиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини шакллантириш.

3. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида талабалар орасида мулоқот, баҳс-мунозаралар ташкил этиш.

4. Таълим-тарбия жараёнининг натижаларини башорат қилиш ва баҳолашга талабаларни ўргатиб бориш мақсадида кенгайтирилган очик дарслар ўтказиши.

5. Семинар машғулотларида шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш

билингвистикалык вазиятлар, мазкур йўналишда ёш ўқитувчилар дуч келишлари мумкин бўлган тўсиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини биргаликда муҳокама қилиш кабилар.

Ўкув жараёни лойиҳаларининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва уларнинг моҳиятини англаш босқичининг асосий вазифаси – бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълимнинг концептуал асосларини ўзлаштиришларига эришишдан иборат. Бу жараёнда талабалар билан бир муайян ишларни амалга ошириш назарда тутилади. Талабалар орасида шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, уни лойиҳалаш имкониятлари ҳақида давра сұхбатлари, савол-жавоб вазиятларини ташкил этиш. Ушбу сұхбатлар, савол-жавоблар, дидактик вазиятлардан кўзда тутиладиган асосий мақсад – бўлажак ўқитувчиларга шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ҳақидаги билимлар ва тажрибаларни тақдим этиш билан бир қаторда уларда дидактик лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатлари, уни тузиш усулларини англаб этишлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишдан иборат. Бунда талабаларнинг мазкур ҳодиса ҳақидаги билимлари ва тасаввурларини кенгайтиришга йўналтирилган вазиятларни аниқлаш ва тизимлаштириш талаб этилади. Мазкур вазиятларни ташкил этиш жараёнида талабалар орасида муайян мавзуга оид баҳс-мунозаралар, мулоқот дақиқаларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бўлажак ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнини ўқувчи шахсига йўналтириш ҳақидаги психологияк билимлар ҳамда қарашлардан ҳам хабардор бўлишлари керак. М. Г. Давлетшин, Э. Фозиев, Р. Бернс, Б. С. Братусь, Д. А. Леонтьев, А. Маслоу, В. А. Петровский, К. Р. Роджерс, Л. С. Рубинштейн, В. И. Слободчиковларнинг ишларини ўқувчи шахсининг руҳий имкониятларини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга манбалар сифатида талабаларга тавсия этиш зарур.

Бўлажак ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этиш билан боғлик бўлган назарий-амалий муаммоларни муҳокама қилишга бағишлиланган конференцияларда ҳам фаол иштирок этишлари керак. Ушбу анжуманлардаги маъruzalarда новатор ўқитувчилар ва педагог-олимларнинг таълим-тарбия ҳақидаги ёндашувлари, қарашлари, изланишлари бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимлари ва дунёқарашларини бойитиш билан бир қаторда, уларни истиқболдаги педагогик фаолиятлари учун зарур бўлган амалий тавсиялар билан изчил қуроллантиришга ҳам хизмат қиласи; Бўлажак ўқитувчиларни илгор педагогик технологиялар билан қуроллантириш учун бир қатор ҳолатларга амал қилиш керак:

– педагогик амалиёт жараёнида фан ўқитувчиларининг дарслари ва уларнинг касбий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш асосида уларнинг бу соҳадаги касбий маҳоратларини устоз-шогирд муносабатлари асосида ўрганишларига имконият яратиш;

– талабаларни истиқболдаги педагогик фаолиятлари давомида шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этиш соҳасида дуч келишлари мумкин бўлган қийинчиликларни башорат қилиш асосида аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини излашларига ўргатиш;

– бўлажак ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этишга оид билимларига таянган ҳолда ўзларининг истиқболдаги касбий фаолиятларини таҳлил ва назорат қила олишларини таъминлаш;

– бўлажак ўқитувчилартаълим воситаларини мақсадга мувофиқ ҳолда танлаш ва мазкур йўналишдаги таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда улардан унумли фойдалана олишларига эришиш;

– бўлажак ўқитувчилар ўзлари ўзлаштирган аниқ илмий, амалий далилларга таянган ҳолда таълим жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этишга оид педагогик фаолиятини такомиллаштириш йўлларини белгилай олишлари кабилар.



Шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида муайян ўқув вазиятларини ижодий фикрлаш, мулоқотга киришувчанлик, аниқ фаолиятга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда лойиҳалаштириш кўникмасини эгаллаш ҳам талабалардан муҳим касбий билимларни ўзлаштиришни талаб қиласди. Бўлажак ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришда биринчи навбатда ўқувчиларнинг шахсий тарақкиётларини таъминлаш назарда тутилиши лозимлигини яхши билишлари керак. Чунки таълим-тарбия жараёнида ўқувчи билан ўқитувчи, ўқувчи билан ўқувчилар орасида ўзаро мулоқот, диалог тарзидаги сухбат, фикр алмашиш учун қулай педагогик вазият вужудга келтирилиши зарурлигини бўлажак ўқитувчилар яхши англаб етишлари талаб этилади. Шу нарса маълумки, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг шахсий ривожланишлари, мужассам камол топишлари учун аҳамиятли бўлган натижаларни қўлга киритиш назарда тутилади. Худди мана шундай натижаларни назарда тутган ҳолда бўлажак ўқитувчилар ўқув жараёнини ўқувчи шахсига тўлақонли тарзда йўналтиришга асос бўладиган лойиҳаларни шакллантириш тажрибасига эга бўлишлари зарур. Шунга кўра бўлажак ўқитувчилар таълим мақсадига эришишни назарда тутган ҳолда дарс самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган ҳолатлар, ўқув топшириқлари ва методикаларни қўллаш муҳимлигини лойиҳаларда акс эттирадилар.

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашда касбий маҳоратга эга бўлган ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирларининг тажрибаларидан ижодий фойдалана олиш зарурлигини талабалар онгига етказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун талабалар педагогик амалиёт давомида тажрибали ўқитувчилар билан маслаҳатлашишлари, уларнинг касб маҳоратларини ўзлаштиришлари муҳимдир. Бўлажак ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълимнинг концептуал асосларини ўрганиш билан бир қаторда, ўқув фаолиятини методик жиҳатдан узлуксиз таъминлаш йўллари, ўқувчиларда ўз фаолиятларини мустақил ташкил этиш тажрибасининг шаклланганлиги, таълим-тарбия жараёнининг шахсни ривожлантиришдаги имкониятлари, ўқувчи шахсини ривожлантиришга хизмат қиласиган вазиятларнинг дарс жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини англаб етишлари лозим.

Хуроса. Юқорида бўлажак ўқитувчилар олдига қўйилган барча талаблар олий педагогик таълим тизими учун яратиладиган ўқув дастурлари ва дарсликларда ўз ифодасини топиши зарур.

Акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга қаратилган педагогик фаолият ўзининг дидактик ҳамда психологияк хусусиятларига эга бўлиб, мазкур хусусиятларни аниқлаш орқали ўқитувчи касбий фаолиятини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконияти вужудга келади.

3. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ўқитувчининг касбий вазифалари сирасига кириб, бўлажак педагогларни бундай жараёнга тайёрлаш учун уларни назарий жиҳатдан куроллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таҳлилларимиз натижасида аён бўлди.

4. Бўлажак ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш учун бу соҳада мавжуд бўлган ёндашувлар, тушунчалар, қарашлар, маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган назарий-методик тавсияларни олий педагогик таълим тизимиға жорий этиш мақсадида муайян илмий-методик тавсиялар яратиш зарурятининг мавжудлиги аниқланди.

5. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тажриба-синовдан ўтказилаётган «Устоз-шогирд» мактаблари мазкур тажрибаларни маълум даражада ўзида мужассамлаштирумокда. Бироқ «Устоз-шогирд» мактаблари учун маҳсус дастурлар яратиш ҳамда бу дастурларни Буюк



Британия, АҚШ, Германия, Франция, Россиядаги ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларни шакллантириш соҳасидаги илғор тажрибалар билан бойитиш давр талабига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маъмуроев Б.Б. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этишининг педагогик шарт-шароитлари. Пед. фан. ном. дис. автореф.– Тошкент, 2009. – 26 б.
2. Маъмуроев Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойихалаш кўникмаларини ривожлантириш. Монография.– Т.: Фан, 2017. –144 б.
3. Маъмуроев Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойихалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Монография.– Т.: Фан ва технология, 2017.– 128 б.
4. Маҳмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойихалашнинг назарий асослари. Пед. фан. докторлик. дисс. . . –Т., 2003. –342 б.
5. Маҳкамов У., Тилабова Н., Тилабоева Ш. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДТУ, 2003. – 88 б.
6. Мақсадов М., Муйдинов М. Таълим самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари // “Узлуксиз таълим” ж., 2005.– 67-70-б.
7. Муслимов Н. “Ўқитувчини касбий шакллантиришда тизим ва мухит ўртасидаги ўзаро муносабат муаммолари // “Мактаб ва ҳаёт” ж.–Тошкент, 2004.– № 5.–Б. 43-47
8. Подласый И.П. Педагогика 100 вопросов – 100 ответов. – М.: Владос, 2003. – 368 с.
9. Рубинштейн С.Л. Принцип творческой самодеятельности (к философским основам современной педагогики) // Вопросы психологии. –№4.–1986.– с.106

## РОЛЬ ГЛАГОЛОВ МЕНТАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ В РАЗВИТИИ ТЕОРИИ СОЗНАНИЯ У БИЛИНГВАЛЬНЫХ РОМСКИХ (ЦЫГАНСКИХ) ДЕТЕЙ

Кючуков Христо Славов

доктор педагогических наук, профессор, Силезийского университета, Катовице, Польша,  
Академик МАНПО

**Аннотация:** Глаголы ментального состояния играют важную роль в когнитивном развитии детей, потому что они предсказывают понимание теории сознания. Целью данной работы является анализ одновременного процесса овладения глаголами ментального состояния в ромском и болгарском языках билингвальными детьми Рома.

**Ключевые слова:** Рома, билингвизм, глаголы ментального состояния, теория сознания

## THE ROLE OF THEMENTAL STATE VERBS IN THE DEVELOPMENT OF THEORY OF MIND IN BILINGUAL ROMA CHILDREN

Kyuchukov Hristo Slavov

Doctor of Sciences, Professor of the University of Silesia, Katowice, Poland, Academician of  
MANPO

**Annotation:** The following article deals with the analysis of the process of acquisition of mental state verbs in Romani and in Bulgarian simultaneously by bilingual Roma children. Two Roma children from Bulgaria (1 boy and 1 girl) aged 1; 0 – 3; 0 years were audiorecorded longitudinally in their natural home environment. According to M. Taumoepeau and T. Ruffman (2006), the mental state



verbs can be grouped in different categories, showing different states: mental states, physical states, emotions, perception and cognition. The acquired verbs are analyzed qualitatively and quantitatively. The results show that the boy uses 100 % Romani mental state verbs: very high number of verbs are related to (1) mental states, e. g.: mangav (want), dehav (love), arakhav (care about), džanav (know); (2) emotions: xavxoli (angry), khanile (feeling bad); (3) physical state, e. g.: dukhal (hurt), rovav (cry); (4) sense, such as: dikh (look). The girl uses 89 % mental state verbs in Romani and 19 % in Bulgarian language. The learned verbs by her are related to mental state from Romani: mangav (want), džanav (know), darav (be afraid) and from Bulgarian: obicham (love), znam (know), iskam (want). The other verbs from the field of emotions, physical state and sense are from Romani. Mental state verbs are important in the cognitive development of the children because they predict the understanding of the theory of mind.

**Key words:** Roma, bilingualism, mental state verbs, theory of mind.

**Введение.** Ромские дети с самого раннего возраста овладевают двумя-тремя языками - своим родным ромским языком, официальным языком страны, где они живут, а иногда и языком другой соседней общины. Ромский язык является устным языком и до сих пор не имеет стандартизированной письменной формы для всех европейских стран, хотя во многих странах Европы правительства создали цыганские алфавиты и цыганский язык вводится как родной в детских садах и школах. Совет Европы подготовил учебный план и методические материалы для обучения цыганскому языку в возрасте от 3 до 18 лет. Во многих странах, в том числе в Румынии, Сербии, Словакии, Венгрии и Швеции ромский язык вводится в детских садах и начальных школах. Во многих европейских университетах ромский язык вводится как отдельный курс или программа со степенью бакалавра или магистра для учителей, социальных и медицинских работников, журналистов и других профессий.

Ромский язык имеет свою собственную грамматическую систему (Matras, 2002; Kyuchukov, 2003). Ромы мигрировали в Европу из Индии около 10 веков назад. Ромский язык формировался за пределами Индии во время их длительного периода миграции в Европу. Он принадлежит к семейству новых индийских языков, которые подверглись влиянию других европейских языков, таких как армянский, греческий, славянские языки и румынский. Язык имеет свою собственную фонологическую систему. Некоторые из индийских согласных в нем все еще сохраняются (аспирированные согласные, такие как kh, th, ph, čh), в морфологии и лексике также все еще очень много индийского. До 70-80% словарного запаса в языке - это индийский язык (хинди или языки, происходящие из северо-западных частей Индии, таких штатов, как Пенджаб и Раджастан). Несмотря на то, что синтаксис претерпел влияние европейских языков, в ромском языке существует относительно свободный порядок слов, в то время как в новых индийских языках место глагола всегда четко определено - это конец предложения.

Диалекты ромского в основном делятся на две группы: валашские и не валашские в зависимости от контактов с румынским языком. Диалекты, которые были в контакте с румынским, имеют его влияние на лексику и синтаксис. Это валашские диалекты. Другие диалекты, не имеющие контактов с румынским языком, подверглись влиянию греческих и славянских языков. Их называют не валашские диалекты. В Болгарии романы делятся на валашские и невалашские группы. В столице Болгарии Софии самая большая группа - это группа не валашская, их диалект называется ерлийский (от турецкого erli/yerli). Эта группа ромово села здесь в период, когда Болгария была частью Османской империи и них не было кочующего образа жизни. Этот факт важен, так как этот диалект в какой-то степени сохранил влияние



греческого и турецкого и никогда не был в контакте с румынским языком его носителями.

Дети ромов растут в больших семьях. Они общаются с членами семьи и общиной таким образом имеют возможность разного уровня общения с самого раннего возраста. Детей воспринимают как взрослых и родители и старшие члены семьи, а также братья и сестры, разговаривая с ними, используют полные синтаксические формы, неупрощая их. Две различные стратегии используются с детьми, чтобы представить им язык:

а) Когда дети очень маленькие, это период между рождением и 2 годами, родители используют так называемые тестовые вопросы: мать /либо другой взрослый скажет что-то ребенку и затем задает ребенку вопрос о сказанной или показанной вещи.

Например: Dikh, so si каква? Saliskeri таймунка. Penta, sosinekakva? (Посмотри, что это? Обезьяна Сали. Скажи, что это такое?)

б) После 2-летнего возраста язык вводится в большей степени через устную ромскую речевую культуру - песни, сказки, шутки, поддразнивания и тому подобное. Здесь родители меняют стратегии в отношении ребенка как ученика. Они больше не показывают и не называют окружающие малыша предметы. Они называют объект и позволяют ребенку попытаться найти его самостоятельно и открыть для себя его функции. Например, мать может попросить ребенка принести ей большую ложку, но она не покажет ее ребенку. Ребенок должен найти ее среди других предметов и принести матери. Каждый раз, когда ребенокносит предмет, который мать не просила, она отсылает его обратно с той же просьбой, пока ребенок не найдет правильный объект и удовлетворит просьбу матери.

В такой насыщенной и богатой среде ромские дети также приобретают понятие о глаголах ментального состояния, которые очень часто используются в повседневном общении, чтобы показать и выразить различные желания, эмоции и духовные состояния.

#### Глаголы ментального состояния и теория сознания

Глаголы ментального состояния - это глаголы, которые показывают различные ментальные условия и ментальные состояния человека. В каком возрасте дети начинают понимать и воспроизводить такие глаголы? И почему эти глаголы так важны для когнитивного развития детей? Согласно Пернер и др. (Perner et al. 2002), глаголы психического состояния являются предикторами раннего понимания теории разума. Теория разума - это способность детей понимать желания, намерения и просьбы других.

Грациани и Орнаги (Grazzani & Ornaghi, 2012) исследовали взаимосвязь между ментальным состоянием языка и теорией разума у итальянских детей младшего школьного возраста. Участниками эксперимента стали 110 учащихся начальной школы. Лингвистические, метакогнитивные и когнитивные показатели были использованы для оценки следующих компетенций: вербальные способности, использование терминов ментального состояния, понимание метакогнитивного языка, понимание ложных убеждений второго порядка и понимание эмоций. Соотношения между использованием детьми языка ментального состояния и выполнением ими теоретических заданий были умеренными, тогда как уровень корреляции между пониманием детьми такого языка и теории сознания был высок. Кроме того, обратный анализ показал, что понимание метакогнитивного языка был той переменной, которая лучше всего объясняла успеваемость детей по выполнению заданий на ложное убеждение и теста на понимание эмоций, когда контролировались вербальные способности и возраст.

Паскаль и другие (Pascual et al. 2008) изучали развитие ментального состояния языка и различные показатели языкового развития у 25 испаноговорящих детей. Авторы обнаружили, что ментальное состояние языка у испанских детей развивалось аналогично временным



рамкам и закономерностям, характерным для англоязычных детей. Тем не менее, некоторые выводы были новыми для исследований языка ментального состояния. Общие показатели синтаксического развития не коррелировали с производством ментальных терминов. Индекс лексического разнообразия ассоциировался частотой упоминаний глаголов желания.. Результаты обратного анализа свидетельствуют о том, развитие придаточных предложений с дополнением связано не только сподлинными ментальными упоминаниями желаний и убеждений, но и с развитием лексических навыков.

Тардиф и Уелман (Tardif&Wellman, 2000) обнаружили, что детская теория сознания у китайских детей проявляется в переходе от сосредоточенности на желании к сосредоточенности на вере. Однако неясно (а), является ли эта модель универсальной и (б) может ли она также быть объяснена лингвистическими и социокультурными факторами. Авторы исследовали ментальное состояние языка в мандаринском говорении (возраст детей-1 год 7 месяцев- 2 года 3 месяца) и детей, говорящих на кантонском диалекте (полтора года -3 года 6 месяцев). Полученные результаты наводят на мысль о закономерности теории сознания, так как развитие языка этих детей аналогично тому, что происходит с англоговорящими детьми, с их ранним использованием терминов желания, за которыми следуют другие ментальные термины.

Однако китайскоговорящие дети использовали термины желания гораздо раньше, а использование терминов для обозначения мышления было очень редким явлением, даже для взрослых, говорящих на мандаринском языке. Этот вывод предполагает непротиворечивость в общей последовательности, но вариативность во времени начальной и конечной точки в детском развитии теории сознания в разных культурах.

Таумоепеау и Руффман (Taumoepeau&Ruffman, 2006) в исследовании, проводимом с матерями детей в возрасте от 15 месяцев до 2-х лет, оценивали связь между психическим состоянием языком матери и языком понимания желаний и эмоций ребенка. Матери описывали своим детям картинки и разговор матерей был закодирован для ментального и не ментального состояния языка. Детям были даны две задачи: понимания эмоций и их ментальный и не ментальный уровень. Вocabulário были получены с помощью родительского отчета. Результаты показали, что использование матерью языка желания 15-месячными детьми однозначно предсказывало более позднее ментальное развитие языка ребенка позднее эмоциональное выполнение задания, даже после учета потенциально смешивающихся переменных. Кроме того, склонность матери ссылаться на желания ребенка и ставить их выше желаний других, была более стойкой в корреляции ментального состояния языка и понимания эмоций. Они разделили глаголы на шесть категорий. Глаголы, обозначающие:

1. Ментальное состояние - хотеть, надеяться, желать, заботиться, бояться, нравиться, любить, мечтать, предпочитать, увлекаться чем-либо, думать, знать, верить, ожидать, удивляться;

2. Физическое состояние - плакать, улыбаться, смеяться, хихикать, причинять боль, болеть;

3. Эмоции (состояние) - раздражаться, наносить ущерб, скучать, быть несчастным, плохо себя чувствовать, грустить, печалиться, расстраиваться, сердиться, злиться, безумствовать, бояться, быть застенчивым, удивляться, быть довольным, быть счастливым, наслаждаться, возбуждаться, веселиться, интересоваться, разочаровываться, скучать, испытывать отвращение, хорошо себя чувствовать, чувствовать себя лучше;

4. Чувства - смотреть, слушать, испытывать холод, жару;

5. Когнитивность - трудно помнить, догадываться, мечтать, забывать, иметь в виду [я имею